# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 25 январь, № 19 (8642) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАШРИФ

**24 январь куни Пекин шаҳри Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ йиғинлари уйида давлат ташрифи билан Хитойда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.**



Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни кутиб олди.

Етакчилар икки мамлакат расмий делегациялари аъзоларини қутладилар.

Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Хитой мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бошлиғи Президентимизга рапорт берди. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Президентимиз Хитой етакчисига ташриф билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик ҳамда янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг юксак эътирофи учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар ривожида кучли суръатга эришилганини таъкидладилар.

Барча даражаларда алоқалар фаоллашиб, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатларимиз муҳим масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил ноябрь ойида Пекин шаҳрида Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди.

Президентимиз ХХР Раисига камбағалликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликка шахсан эътибор қаратаётгани ва қўллаб-қувватлаётгани учун ташаккур билдирди.

Томонлар Ўзбекистонда Хитойнинг "Лу Бань устахонаси" профессионал таълим тизимини жорий қилиш бўйича пилот лойиҳа бошланганини олқишладилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўтган йил якунлари бўйича товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Яқин истиқболда буни 20 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар борлиги тўғрисида якдил фикр билдирилди.

Кейинги йилларда Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони эса уч баробар ошди.

Инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва "яшил" энергетикада технологиялар трансфери соҳаларида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Шу маънода, ўтган йил охирида Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида қуввати 1000 мегаваттлик иккита янги қуёш электр станциялари фойдаланишга топширилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг етакчи банклари, "Ипак йўли" фонди ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан самарали молиявий-техник ҳамкорликнинг бугунги даражаси юқори баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситаларини кенгайтириш, жумладан, қўшма платформа яратиш борасида келишувларга эришилганини, шунингдек, Хитой Эксимбанкининг Тошкент шаҳрида Марказий Осиё учун минтақавий офис очиш қарорини олқишлади.

Президентимиз хитойлик шерикларни Ўзбекистондаги давлат корхоналари ва банкларини хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этишга чақирди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашганига мамнуният билдирдилар. Бу борадаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгашини тузишга келишиб олдилар.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида Трансминтақавий транспорт ва транзит кўпригининг муҳим таркибий қисми бўладиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Куни кеча Пекинда биринчи таълим форуми, Шанхайда Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари кўргазмаси муваффақиятли ўтгани қайд этилди. Шу кунларда ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар Хитой пойтахти аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият кунларини ўтказиш амалиётини давом эттириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Режалаштирилган барча тадбирлар ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида томонлар Ҳукуматлараро қўмита ва унинг барча кичик қўмиталари йиғилишларини жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказишга аҳдлашиб олди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

"Ягона Хитой" сиёсати ҳамда "уч ёвуз куч"га қарши курашиш борасидаги позиция ўзгармас экани тасдиқланди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон етакчиси ХХР раҳбарини ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф қилди ҳамда дўст Хитой халқини яқинлашиб келаётган хитойча Янги йил — "Чунь Цзе" байрами билан табриклади.

Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнот имзоладилар.

Унда томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни турли соҳаларда ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмун жиҳатдан бойитишга интилиши тасдиқланган.



Етакчилар ҳузурида қуйидагилар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Божхона бош бошқармаси ўртасида Ўзбекистондан Хитойга нўхат экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ислоҳотлар ва ривожланиш давлат қўмитаси ўртасида Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўл экспресслари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида янги электр транспорт воситалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида аҳдлашув баённомаси;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Фан ва технологиялар вазирлиги ўртасида илмий-техник ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамкорлик баённомаси;

— Ўзбекистон Республикаси Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Хитой Халқ Республикаси Стандартлаштириш маъмурияти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида "Ҳаво ипак йўли"ни биргаликда барпо этиш тўғрисида келишув;

— Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2024 — 2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси;

— Тошкент вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Самарқанд ва Циндао шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида битим ва бошқалар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашди.

Халқ йиғинлари уйида ўтган учрашувда кўп қиррали амалий ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

ХХР ҳукумати раҳбари икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Хитой муносабатлари барча соҳа ва йўналишларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилганини қайд этди.

Ўтган йилда товар айирбошлаш 50 фоизга ошиб, рекорд кўрсаткич — 14 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткични, шу жумладан, юқори сифатли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига 20 миллиард долларга етказиш учун салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 14 миллиард доллардан ошди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, саноат кооперациясини, қишлоқ хўжалигида технологиялар трансферини кенгайтириш ва "яшил" энергетикани ривожлантириш бўйича алоҳида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда Хитой компанияларининг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этиши истиқболлари кўриб чиқилди.

22 январь куни Урумчи шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон — Хитой ҳудудлар форуми ва саноат кўргазмаси натижалари юқори баҳоланди.

Хитойда шу кунларда таълим форуми ва Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилаётганини қайд этилди. Томонлар авиақатновлар ва сайёҳлик алмашинувини янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Якунда Президентимиз ХХР Давлат кенгаши Бош вазирини ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси Раиси Чжао Лэцзи билан учрашув ўтказди.

Суҳбатда Ўзбекистон — Хитой муносабатларида юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилиб, бу галги ташриф ҳар томонлама стратегик шерикликни кенгайтиришга янги кучли суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар ошди.

Ҳудудлараро кооперация кенгайди, 22 январь куни Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Ўзбекистон — Хитой ҳудудлар форумининг самарали натижалари бундан далолат бермоқда.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш борасидаги тажрибаси фаол жорий қилинмоқда.

Учрашувда мамлакатимиз техник йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, Хитойнинг ижтимоий ҳимоя ва суғурта, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш борасидаги тажрибасини ўрганишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Парламентлар ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш ва "Ўзбекистон — Хитой" дўстлик гуруҳларини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган йили Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари ўтказилгани, айни пайтда Пекинда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ўтаётган тадбирлар мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва ХХР давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, XIX-XX асрларда Хитой мустақиллиги ва озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАШРИФ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тяньаньмэнь майдони хитой миллатининг рамзий юраги ҳисобланади.

1949 йил 1 октябрь куни айнан шу ерда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгани эълон қилинган. Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги XX асрнинг ўрталарида бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифининг ишбилармонлик тадбирлари доирасида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бош қароргоҳига ташриф буюриб, банк президенти Цзинь Лицюнь билан музокара ўтказди.

Ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Қўшма лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошди. 2023 йилнинг ўзида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1 миллиард долларга етди.

Энергетика, сув таъминоти, автомобиль ва темир йўлларни реконструкция қилиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари стратегик хомашёни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида устувор йўналишлардаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2026 йилгача мўлжалланган қўшма Ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақасидаги стратегик муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Банк бошқарувчилари кенгашининг жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлажак йиллик йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев “CNPC” нефть-газ корпорацияси раиси Дай Хоулянни қабул қилди.

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ўз соҳасида жаҳоннинг илғор компанияси бўлиб, “Fortune Global 500” рейтингида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Нефть ва газ қазиб олиш бўйича йирик лойиҳаларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда амалга ошириш борасида катта тажрибага эга.

Учрашувда Ўзбекистонда ер ости газ сақлаш сиғимларини барпо этиш ва газ етказиш тизимларини модернизация қилиш, замонавий бурғилаш технологияларини жорий этиш ва нефть-газ тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хитойнинг “CITIC” корпорацияси раҳбари Си Гохуа билан ҳам учрашув ўтказди.

Хитой мулкни бошқариш бўйича халқаро инвестиция корпорацияси молиявий хизматлар кўрсатувчи ҳамда йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширувчи етакчи компаниядир. Унинг активлари қарийб 1,5 триллион долларни ташкил этади.

Учрашувда қўшма лойиҳалар портфелини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди, бунда асосий эътибор мамлакатимиз йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасига, ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Пекин шаҳридаги тадбирлар доирасида Хитой Экспорт-импорт банки раиси Ву Фулинни қабул қилди.

ХХР Эксимбанкига 1994 йилда асос солинган. Активлари қиймати 800 миллиард доллардан ортиқ бўлган банк ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Хитойнинг етакчи молиявий институтидир.

Учрашувда мамлакатимиздаги қўшма лойиҳалар портфели 3,5 миллиард долларга етгани мамнуният билан қайд этилди. Банкнинг Тошкент шаҳрида минтақавий офис очиш ҳамда транспорт ва ижтимоий инфратузилма, саноат ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича янги истиқболли лойиҳаларни шакллантириш борасидаги режалари кўриб чиқилди.

Пекин шаҳридаги тадбирлар дастури якунлангач Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шэньчжэнь шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Гуандун музофотининг расмий шахслари кутиб олди.

25 январь куни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Хитой инвестиция форумида иштирок этади, ХХР етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказади.

Шэньчжэнь — Хитойнинг аҳоли сони бўйича учинчи шаҳри ҳамда Гуандун музофотидаги махсус иқтисодий ҳудуддир. Технологиялар, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш, бизнес ва иқтисодиёт, туризм ва транспорт борасида глобал марказлардан бири, контейнерли юклар билан ишлаш қуввати бўйича дунёдаги тўртинчи денгиз портидир.

**ЎзА.**

Акс садо

# ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 январь куни Хитой Халқ Республикасига бошланган уч кунлик давлат ташрифи ва унинг дастлабки натижалари халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Жерри МАКДОНАХ, Жанубий Лондон Савдо-саноат палатаси ижрочи директори (Буюк Британия):**

— Ташриф, шубҳасиз, икки буюк давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи тарихий муҳим воқеадир. Ушбу учрашув узоқ муддатли маданий, дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ифодалайди. Бунда ўзбек ва хитой халқлари нафақат товар ва хизматлар, балки ўз маданий бойликларини ҳам алмашадилар.

Қадимий даврлардан бери Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар яқин бўлиб, бу ҳамкорликнинг бугунги босқичи икки давлат ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бир пайтлар маданий алмашинув йўли бўлган Буюк Ипак йўли бугунги кунда икки халқ ўртасидаги иқтисодий, маданий-гуманитар кўприкка айланиб бормоқда.



Мамлакатлар раҳбарлари ўртасида ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатилган бўлиб, бу ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар уларнинг ривожланишига кучли туртки берди.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва сармоявий шеригига айланиб, ҳар икки давлат иқтисодиёти ривожланиши учун янги истиқболларни очмоқда. Ангрен — Поп темир йўл туннели ва “Марказий Осиё — Хитой” газ қувурлари қурилиши каби лойиҳалар кенг кўламли интеграцияга интилишдан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга жорий давлат ташрифи муносабатлар тарихида муҳим қадам бўлди. Бу нафақат дипломатия ва иқтисодиёт соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлайди, балки ҳар икки давлат ва уларнинг фуқаролари манфаатига қаратилган ҳамкорлик учун янги уфқларни очади. Ишончим комилки, ушбу ташриф муваффақиятли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даврига замин яратади.

**Ги Оливье ФОР, Париж V Сорбонна университети фахрий профессори (Франция):**

— Ташриф жуда муҳим ташаббус бўлиб, Ўзбекистоннинг янада уйғун ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур ташриф икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни миқдор ва сифат жиҳатдан янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қамраб олинган соҳалар спектри



кенг қамровли бўлиб, сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликни, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва “яшил” энергияга ўтиш каби янги кенгайиб бораётган соҳаларни ўз ичига олади. Ва ниҳоят, маданий алмашинув ва илмий ҳамкорлик келажакка муҳим сармоядир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчиманки, Президент Шавкат Мирзиёев бутун Марказий Осиёни ривожлантириш бўйича муҳим ва аниқ қарашларга эга. Хитойга давлат ташрифи тинчлик ва фаровонлик йўлида барча учун яхшироқ келажакни барпо этиш мақсадидаги муҳим қадамдир.

**Руди ФАНГ, Ўзбекистон — Сингапур туризмни ривожлантириш маркази раҳбари, «CASEA» Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё бизнес-палатаси бош директори:**

— Ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Савдо-иқтисодий соҳадаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан бўлиб ўтган кўп томонлама муҳокамалар алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳаж-



мини 20 миллиард долларга етказишдек улкан мақсадларни эшитиш қувонарлидир. Ушбу мақсад мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, сифатли қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида улкан салоҳият мавжудлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган салмоқли сармоялари хитойлик ҳамкорларнинг ишончи ва кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради.

Инфратузилмани модернизация қилиш, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалигида технологиялар трансфери ва “яшил” энергетикани ривожлантириш каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик дастурлари тайёрланаётгани ҳар икки мамлакат учун барқарор ва фаровон келажак сари муҳим қадам ҳисобланади. Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, ХХР компанияларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бу ҳамкорликнинг кўп қиррали эканлигини яна бир бор намоён қилади.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баравар, қўшма корхоналар сони уч баробарга кўпайгани эътиборга молик ютуқлар бўлиб, ҳамкорликнинг жадал ва истиқболли хусусиятидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларига янги таъсирчан суръат бағишлашига ишонаман.

**Шерадил БАКТИГУЛОВ, қирғизистонлик сиёсатшунос:**

— Ушбу ташриф Ўзбекистон Президентининг 2024 йилдаги илк хорижий сафаридир. Бунда чуқур



рамзийлик бор. Жаҳон қудрати бўлган Хитой ва Марказий Осиё минтақасидаги аҳолиси сони бўйича энг йирик давлат ҳисобланган Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларда етакчилик қилмоқда. Бундан ташқари, ҳар икки давлат халқаро муносабатлар тизимида ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида, миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуришда масъулиятли давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, янги Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам “win-win” формуласидан фойдаланганин ҳолда халқаро муаммоларни ҳал қилишда мослашувчанликни намойиш этмоқда. Бу формула Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Тинчлик ва хавфсизлик учун Самарқанд birдамлик ташаббуси” (2022 йил) ва Раис Си Цзиньпиннинг “Глобал цивилизация ташаббуси” (2023 йил)да цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйишдек эзгу мақсадга эришишга қаратилган.

Бундай ёндашув Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик учун ишончли замин яратди. Биринчи натижалар узоқ кутилмади. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори ва савдо ҳамкорига айланди. Ўзбекистон бизнеси Хитойда ўз иштирокини ишонч билан кенгайтирмоқда. Масалан, Ўзбекистон гилос, мош, майиз ва бошқа қатор қуритилган мевалар бўйича энг йирик етказиб берувчи ҳисобланади. Хитой бизнеси Ўзбекистон ҳудудларида тобора кўпроқ янги ишлаб чиқариш қувватларини очмоқда. Мобиль телефонлар, юк ва енгил автомобиллар, санитария-техника воситалари, цемент ва бошқа юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар бозори учун янада катта ҳажмда ва тобора кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

2023 йил якунларига кўра ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг юқори динамикаси кейинги беш йил ичида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 млрд. долларга етишига ишонч уйғотади.

Таъкидлаш керакки, савдо ҳамкорликнинг бошқа йўналишларига ажойиб қўшимча ҳисобланади. Саккиз минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар Хитойдаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Илмий-маданий алоқалар кенгаймоқда. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Хитойни ўрганишга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ажабланарли эмас. Хитойнинг тез кўтарилиши, ҳақиқатан ҳам, мўъжиза. 1,4 млрд. аҳолига эга мамлакат 40 йилдан ортиқ вақт давомида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳасида жадал ўсиш суръатларини намойиш этиб келмоқда.

Ўн йилдан ортиқ вақт давомида Жаҳон банки Хитойни ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринда қайд этади. Хитой дунёдаги энг йирик таълим, ижтимоий таъминот, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизимларига эга. Мамлакат ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатлари натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 1960 йилдаги 33 ёшдан 78,2 ёшга кўтарилди. Хитойда бир миллиарддан ортиқ кишилар асосий кексалик суғуртаси билан қопланган. Асосий тиббий суғуртада иштирок этиш даражаси 95 фоизга барқарорлашди. Хитой ўз тажрибаси ва билимларини саховат билан баҳам кўришга тайёр. Шу боис Марказий Осиё давлатлари “Бир макон, бир йўл” ташаббусидаги иштирокини кенгайтирмоқда.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси йўналишларидан бири логистика инфратузилмасини яратишдир. Бу борада Ўзбекистон Хитой ва Марказий Осиё ўртасида жаҳон бозорига чиқадиган юк ва йўловчиларни ташиш бўйича мультимодал йўналишлар тизимини яратишда, шунингдек, юқори технологияли инфратузилмани барпо этишда нафақат Осиё қитъасида, балки Европа, Африка ва ундан кейин Америка ва Австралия билан қитъалараро алоқалар доирасида юк ва йўловчилар логистикаси учун муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаш лозим.

Икки давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган тараққиёт мақсадлари амалга ошиши мумкин ва биз Ўзбекистон ҳамда Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик боис янги марраларни забт этишига ҳали гувоҳ бўламиз. Айтиш керакки, ҳар икки давлат равнақи бу мамлакатларнинг битмас-туганмас салоҳияти, уларнинг доно ва узоқни кўра билувчи раҳбарияти ҳамда икки халқнинг машаққатли меҳнатига асосланади.

**«Дунё» АА.**

«Global Times»:

# Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ХХР ва Марказий Осиё муносабатларида катта аҳамият касб этади

*Хитойнинг инглиз тилидаги етакчи “Global Times” газетасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ХХРга давлат ташрифига бағишланган мақола босилди.*

*“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сешанба куни Пекинга уч кунлик ташриф билан келди. Бу эски дўстлар учрашуви ва 2024 йилга мўлжалланган Хитой — Марказий Осиё алмашинувининг бошланиши бўлиши кутилмоқда”, дейилади мақолада.*

Нашрда таъкидланишича, сўнгги йилларда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани боис таҳлилчилар Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи турли соҳаларда кенг кўламли ҳамкорликка олиб келиши, икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши ҳамда Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқалар янада чуқурлашишини кутаётгани, айни ҳақиқат.

“Мазкур ташриф арафасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Global Times” газетасида чоп этилган “Ўзбекистон — Хитой: минг йилликларни қамраб олган дўстлик ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида ёзилганидек, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларида Хитой билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш муҳим омиллардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади, — дейилади материалда. — Икки цивилизациянинг тарихий ўзаро ҳамкорлиги ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон раҳбари кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника ва инфратузилмани модернизация қилиш каби соҳаларда шерикликдаги сўнгги ютуқларни санаб ўтган”.

Материалда таъкидланишича, Хитой 2023 йилда Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шеригига айланди. Расмий маълумотларга кўра ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди, бу 2022 йилдагига нисбатан 50 фоиздан кўпроқ.

> ***Хитой 2023 йилда Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шеригига айланди. Расмий маълумотларга кўра ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди, бу 2022 йилдагига нисбатан 50 фоиздан кўпроқ.***

Хитой босма нашри манбасига кўра ушбу ташриф давомида икки давлат ўртасида маданий-маърифий ва минтақавий ҳамкорлик тадбирлари ўтказилиб, барча соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш, икки мамлакат ва халқларга янада кўпроқ фойда келтириши кўзда тутилган.

“Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий кун тартиби халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, янги энергия ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида Хитой билан ҳамкорлик қилишга ёки ундан ўрганишга интилмоқда, — дейилади мақолада. — Жумладан, Хитой томонидан таклиф этилган “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Ўзбекистон денгизга чиқиш имкони йўқлигини Марказий Осиёдаги транспорт маркази сифатида устунликка айлантиришга ҳаракат қиляпти”.

Газетада хабар беришича, Президент Шавкат Мирзиёев ташрифи билан бир вақтда Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари ҳам ўтказилмоқда. Душанба куни Пекинда “Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси” балет спектакли намойиши бўлиб ўтди. ОАВ тарқатган маълумотларга кўра олдинда ҳали бир қанча концерт ва кўргазмалар бор. Томонлар туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш, бадиий жамоаларнинг ўзаро ташрифлари, маданий ёдгорликларни тиклаш ва бошқа йўналишларда келишувларга эришдилар.

Нашрда, шунингдек, 22 январь куни Урумчи шаҳрида Хитой ва Ўзбекистон минтақалараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтгани маълум қилинган. Икки мамлакат компанияларини бирлаштиришга қаратилган тадбирга 1200 дан ортиқ корпорация вакиллари бизнес имкониятларини излаш учун жалб этилди.

“Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида энг кўп аҳолига эга мамлакат бўлганлиги сабабли таҳлилчилар иқтисодий ўсиш учун демографик дивиденддан фойдаланиш имкониятларини таъкидлайдилар, — дейилади мақолада. — Экспертлар, шунингдек, Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш фонида ХХР — Ўзбекистон муносабатлари янада мустаҳкамланишини прогноз қилмоқда. Улар Ўзбекистон Президентининг ташрифини 2023 йилда бўлиб ўтган саммитда эришилган икки ва кўп томонлама келишувларни амалга оширишнинг давоми, минтақанинг келажакдаги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи янги бошланиш нуқтаси сифатида баҳоладилар”.

Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ХХР — Марказий Осиё муносабатларининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланди ва минтақавий ривожланиш ҳамда интеграцияни жонлантиришда давом этмоқда.

“Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим мавқеини инобатга олсак, унинг очиқлиги ва ўзаро боғлиқлиги минтақалараро интеграцияга ёрдам беради, унинг хавфсизлиги ва фаровонлиги бутун Марказий Осиё минтақаси ҳамда Хитойнинг Шимоли-Ғарбий чегаралари барқарорлигининг калитидир”, деб ёзилган “Global Times”да.

**«Дунё» АА.**
Пекин

Мулоқот

# ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ЕВРОПАРЛАМЕНТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

*Яқинда Олий Мажлис вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Франциянинг Страсбург шаҳрида Европарламент вакиллари билан учрашувлар ўтказди.*

Ташриф давомида Европарламент депутатлари иштирокида “Ўзбекистон ва Европа парламенти ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни янада жадаллаштириш истиқболлари” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Европа парламентининг 30 га яқин депутатлари, шунингдек, турли парламент фракцияларининг сиёсий маслаҳатчилари қатнашди.

Давра суҳбати қатнашчиларига “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий йўналишлари, янгиланган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумот берилди. Айни чоғда Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

Европарламент депутатлари кейинги йилларда Ўзбекистондаги ўзгариш ва янгиланишлардан яхши хабардорлигини ҳамда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлашларини билдирди.

Ташриф доирасида Женева дипломатик корпуси президенти Роберт Блумнинг “Ўзбекистон — Марказий Осиё дурдонаси” китоби тақдимоти ҳам ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

Сарҳисоб:

# ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида* ***“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида”****ги масала кўриб чиқилди.*

*Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг* ***Спикери Н. Исмоилов*** *ахборот берди.*

Таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда инсон қадрини улуғлаш ғояси асосида улкан ўзгаришлар рўй берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳани янада тараққий эттириш, бу борада ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарали амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта умумхалқ референдуми орқали, яъни бевосита халқимиз томонидан янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинди.

Конституциявий ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар фракциялари, Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳамда Конституциявий комиссия фаол иштирок этди.

Конституция билан мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланди, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали янги модели жорий қилинди.

Муддатидан олдин ўтказилган Президент сайлови жараёнларида депутатлар корпуси ҳам фаол қатнашди. Хусусан, қуйи палата депутатлари сайловга бағишланган тадбирларда, шунингдек, маҳаллаларда бўлиб, ўз сиёсий партияларидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурлари билан аҳолини яқиндан таништирдилар.

Ўтган йили мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан тараққиётимизнинг фундаментал асосларини ўзида мужассам этган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этила бошланди. Айни пайтда ушбу ҳужжатда белгиланган 100 та мақсад доирасида барча соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қайд этилганидек, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги фаолиятида янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, Қонунчилик палатасини шакллантиришнинг янги тартиби, яъни мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилди.




Ўтган йилда Қонунчилик палатаси томонидан давлат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига енгилликлар яратишга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти ташкил этилган эди. Депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонун билан Болалар омбудсманининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва кафолатлари тартибга солинди.




Ҳисобот даврида суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга доир кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилган. Жумладан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби янада такомиллаштирилди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда Жиноят, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодексларига суднинг қарори, ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишни кўзда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар Қонунчилик палатаси фаолиятига ҳам янгича маъно-мазмун олиб кирди. Депутатларнинг қонунлар сифатига бўлган талаби кучайди. Шундан келиб чиқиб, депутатлар корпуси фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, парламентаризм муаммоларини, хорижий тажрибани чуқур ўрганиш борасидаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

Мажлисда 2023 йилда палата томонидан қабул қилинган қонунлар сони аввалги йиллардагига қараганда бирмунча кўпайгани қайд этилди. Масалан, 2022 йилда қабул қилиниб, Сенатга юборилган қонунлар сони 88 тани ташкил этган бўлса, якунланган йилда 100 та қонун (жами 131 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) қабул қилиниб, маъқуллаш учун юқори палатага жўнатилган.

Ҳисобот даврида қабул қилинган қонунлар орасида ҳажм жиҳатдан катта, давлат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига енгилликлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг салмоғи ҳам ортган.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципидан келиб чиқиб, фуқароларга пенсияга чиқишда Давлат хизматлари маркази орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилди. Пенсиянинг энг кам миқдори белгиланган энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бўлмаслиги, пенсиялар миқдорини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда ошириб бориш тартиби белгиланди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирдаги Конституцияда парламент назоратини амалга ошириш бўйича берилган ваколатлардан самарали фойдаланилиб, давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси, давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши, ўз зиммаларига юклатилган бошқа вазифалар ва функцияларни амалга оширишга доир фаолияти устидан тизимли равишда таъсирчан парламент назорати олиб борилди.

Ушбу жараёнда депутатлар корпуси томонидан жамият ва давлат ҳаётининг муҳим соҳаларини назорат қилиш, хусусан, бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, Ҳукумат, жумладан, вазирликлар ва идораларнинг ҳисоботларини эшитиш, қонунларнинг жойлардаги ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Айни мақсадларда 20 марта Ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотлари эшитилган (“парламент эшитуви”). Уларда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, сув хўжалигини ривожлантириш, илм-фан ва инновациялар соҳасини тараққий эттириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш каби жамият ҳаётидаги муҳим масалаларга алоҳида урғу берилди.

Жамиятда долзарб бўлиб турган тизимли масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан мансабдор шахсларга 15 та парламент сўрови, 134 та депутат сўрови юборилган. Мазкур сўровлар натижасида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, қоидабузарлик учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларида сақлаш, мактабларда қўшимча ўқувчи ўринларини яратиш ҳамда мактабларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш билан боғлиқ аҳолини ўйлантириб келаётган бир қатор долзарб масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, Ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш бўйича 8 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилган. Уларда Ҳукумат аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетик барқарорликни таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш каби жамиятдаги долзарб масалалар юзасидан депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Ҳисобот даврида қўмиталар томонидан 177 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган. Жумладан, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунларнинг ҳудудлардаги ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.




Парламент назоратининг бу каби таъсирчан шаклларидан унумли фойдаланилгани ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини янада оширишга, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашга хизмат қилди.

Ҳисобот даврида депутатлар фаолиятини, асосан, жойларда олиб боришга, аҳоли билан доимий мулоқот қилишга, қўмиталарнинг назорат-таҳлил тадбирларини кўпроқ ҳудудларда ўтказишга алоҳида эътибор қаратди. Халқ вакиллари ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округларига чиқиб, аҳоли ва сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда ўрганиш ҳамда кўтарилган муаммоларни парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳал этишга устувор аҳамият бердилар. Депутатлар томонидан жами 5 336 та хонадонга ташриф буюрилиб, 4 191 та учрашув ўтказилган. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг хорижий давлатлар парламентлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалари изчил давом эттирилди.

Мажлисда Қонунчилик палатасининг фаолияти сарҳисоби танқидий нуқтаи назаридан муҳокама этилди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган мажлисда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини янада яхшилаш учун қонун ташаббускорлари билан биргаликда семинарлар ўтказиш, бунда Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти ва бошқа институтлар салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш кераклиги таъкидланди.




Шу билан бирга, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда депутат сўрови институтидан самарали фойдаланилмаётгани, сиёсий партия фракцияларида қонун ташаббуси кам экани, қонун лойиҳалари муҳокамалари жараёнида қўмиталар томонидан экспертлар, илмий муассасалар вакилларининг етарлича жалб этилмаётгани жиддий танқид қилинди.

Шунингдек, қуйи палатанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали ялпи мажлислар тўғридан-тўғри узатилаётган бўлса-да, қўмиталар, фракциялар фаолияти, муҳокама қилинаётган масалалар, баҳс-мунозараларнинг жамоатчиликка етказилишида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид остига олинди.

Мажлисда кун тартибидаги масала юзасидан қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, қўмиталар раислари ўз муносабатларини билдирди. Улар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтдилар. Хусусан, 2024 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида депутатларнинг фаол иштирок этиши ҳамда унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси иш-режасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ўз партиялари билан ҳамкорликда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини амалга оширишга қаратилган маърифий-тарбиявий тадбирларни кўпроқ ўтказишлари мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Барча сиёсий партиялар фракциялари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан, қўмиталар эса маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар билан ҳамкорликда ҳудудларда инвестицияларни жалб этиш, экспортни кўпайтириш борасидаги ишлар устидан назоратни кучайтириши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Қонунчилик палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масала юзасидан кечган қизғин муҳокамалар якунида Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

## Фракциялар раҳбарлари нуқтаи назари:

**Актам ҲАИТОВ,**
**ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**



— Ҳисобот даврида фракциямиз томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, сайловчилар билан мулоқот қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Депутатларимиз фуқаролар томонидан билдирилаётган муаммо ва камчиликларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Палатанинг 2023 йилдаги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, қонун ижодкорлиги бўйича кўп ишлар бажарилган. Лекин парламент назоратини амалга ошириш борасидаги ишларимиз етарли эмас. Жойлардаги ўрганишлар, сайловчилар билан учрашувлар қонунларимиз самарали ишламаётганини кўрсатмоқда.

Фракциямиз ушбу соҳадаги ташаббуслар етарли бўлмади, деб ҳисоблайди. Эътиборимиздан четда қолган масалалар ҳам кўп. Шу сабабли, 2024 йилдаги фаолиятимизда бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шунингдек, давлат ва жамият ҳаётидаги мавжуд камчиликларни ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганган ҳолда бартараф этиш амалиётига эътиборни янада кучайтириш, парламент назорати якунлари бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси устидан парламент назоратининг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Президентимиз раислигида 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича ҳамда инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласида Ҳукумат билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим бўлади.

Умуман айтганда, Қонунчилик палатасининг ҳисобот давридаги фаолиятини ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, фракциялар ва қўмиталар назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси устидан самарали парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратади.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**«Миллий тикланиш» ДП фракцияси раҳбари:**



— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятини янада ривожлантириш, ишларни амалий натижадорлик нуқтаи назаридан самарали ташкил қилиш мақсадида фракциявий интизомни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўтган даврда фракциянинг партия билан ўзаро алоқаларини янада кучайтириш, жойлардаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва умумий ўрта таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар муаммоларини биргаликда ҳал қилиш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Сайлов округларидаги фаолият давомида ўтказилган учрашувларда фуқаролар кўтарган долзарб муаммолар, депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан мансабдор шахсларга жами 16 та депутат сўрови юборилди.

Фракциямиз томонидан депутатларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида янгича ишлаш амалиётига ўтилди. Яъни бутун депутатлик корпусини бирлаштирган ҳолда партия, фракция ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бу депутатларимизнинг сайлов округларида самарали иш олиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Фракция аъзолари нафақат ўзининг ёрдамчилари, балки маҳаллий депутатлар билан ҳам фаол ҳамкорлик қилиши ҳисобига жойларда аҳолининг муаммоларини янада чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш имкони яратилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу амалиёт маҳаллий Кенгашлар депутатларига ҳам қулайлик яратиб, уларга жойларда аниқланган республика даражасидаги масалаларни фракция мажлисларида кўтариш, қонунчиликка таклиф киритиш имконини бермоқда.

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**«Адолат» СДП фракцияси раҳбари:**



— Фракциямиз томонидан ҳисобот даврида партия сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва ғоялар асосида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда парламент назоратини ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Парламент назорати соҳасидаги палатанинг фаолиятини биз ижобий деб айта олмаймиз. “Ҳукумат соати”, “парламент эшитувлари”да айрим ҳолларда ҳукумат аъзолари эмас, балки уларнинг ўринбосарлари иштирок этмоқда. Бу эса парламент назорати институтининг нуфузи пасайишига ва ҳукумат аъзоларининг масъулиятсизлигига олиб келаётир. Депутатлар томонидан юборилган депутат сўровларига эса юзаки, вазирнинг ўринбосарлари ёки бошқа масъуллардан жавоб қайтариш ҳолатлари учрамоқда.

Шу сабабли, фракциямиз келгусида парламент назорати институти самарасини ошириш ҳамда бу жараёнда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг парламент назорати тадбирлари самарадорлигини таъминлаш, жумладан, депутат сўровларининг таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда сайловчилар томонидан кўтарилаётган долзарб масалалар юзасидан давлат органларига юборилаётган депутат сўровларига берилаётган жавобларни мунтазам таҳлил қилиб бориш лозим.

Шунингдек, ҳар уч ойда бир маротаба Қонунчилик палатасининг мажлисини депутат сўровларига келаётган жавобларни таҳлил қилишга бағишланган ҳолда ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, фракциялар аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича фаоллигини ошириш лозим. Бу борада Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш ғоятда муҳим.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**ЎзХДП фракцияси раҳбари:**



— Қонунчилик палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида таҳлилий муҳокама қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳисобот даврида янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқиб, парламент фаолиятига доир қонунчиликни такомиллаштириш, унинг фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий тамойиллар асосида ташкил этиш, қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда жамоатчилик иштирокини янада кучайтириш каби масалаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга устувор йўналишлар сифатида эътибор қаратилди.

Ўтган даврда депутатлар ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан самарали фойдаланиб, фуқароларнинг мурожаатлари, сайлов округларидаги ўрганишлар жараёнида аниқланган масалаларга ҳуқуқий ечим топишга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиққани ва Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилганини ижобий баҳолаймиз.

Тўғри, ўтган давр мобайнида палата фаолиятида салмоқли ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, кейинги йилларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан*, фракциялар палатага келиб тушган қонун лойиҳалари билан чекланиб қолмасдан жойларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларидан келиб чиқиб, “бир фракция — бир лойиҳа” тамойили асосида шахсий ташаббускорликни кучайтиришлари лозим.

*Иккинчидан*, фракциялар томонидан парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан янада унумли фойдаланиш борасида ташаббускорликни кучайтиришни тавсия этамиз. Бу эса палатада амалга оширилаётган парламент назорати тадбирларининг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

*Учинчидан*, ҳисоботда сайловчилар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар сони жуда кўплиги айтилган. Аммо ўтган даврда депутатлар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юборилган депутатлик сўровлари сони келиб тушган мурожаатларнинг, бор-йўғи, 2 фоизини ташкил этмоқда. Демак, биз кейинги йилларда депутатлик сўровларини юбориш амалиётидан самарали фойдаланишимиз ва аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий масалалар ечими билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини қўллаб-қувватлайди.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**



— Сиёсий ислоҳотларга бой бўлган 2023 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини уларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширди. Қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирлари, сайловчилар билан учрашувлар ва уларда кўтарилган масалаларни бартараф этишда салмоқли ишлар қилинганини юқори баҳолаган ҳолда 2024 йилда қуйидаги асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз:

— депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича ташаббускорлигини кучайтириш лозим. Бунда аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб масалалар ҳамда партиянинг сайловолди дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қонунчиликни янада такомиллаштиришга эътибор қаратилади.

— Парламент назорати йўналишида ҳам биринчи навбатда, кенг жамоатчилик томонидан кўтарилаётган долзарб масалаларни ўрганиш ҳамда мазкур масалалар юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиб боришга эътиборни кучайтириш лозим.

— Парламент назоратининг барча шаклидан самарали фойдаланган ҳолда давлат ва жамият ҳаётидаги мавжуд камчиликларни ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганган ҳолда бартараф этиш амалиётини янада кучайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳисобот давридаги фаолиятини фракциямиз аъзолари тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**
**Парламент ахборот маркази.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Маълумки, кейинги йилларда юртимизда хотин-қизлар ва болаларнинг фундаментал ҳуқуқларини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни чоғда хотин-қизлар ва болаларни тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш, оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиб келаётгани эътиборга молик.*

## Фикр

Бу ҳақда гап кетганда, ушбу йўналишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тобора такомиллаштириб борилаётганлигини айтиш зарур. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда имзоланган "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2023 йил 11 апрелдаги "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар юртдошларимизни зўравонликдан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа миллий қонунчилигимизга "оилавий (маиший) зўравонлик" ҳамда "таъқиб этиш" сингари тушунчалар киритилиб, бу ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди.

Табиийки, биз ҳозирги шиддатли, таъбир жоиз бўлса, таҳликали даврда шу билангина кифояланиб қола олмаймиз. Яъни мавжуд қонунчиликни замон талаблари асосида янада такомиллаштириб бориш тақозо қилинади.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида ушбу йўналишга доир яна бир муҳим ҳужжат маъқулланди. Аҳамиятлиси, "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги мазкур қонун давр талаби асосида ишлаб чиқилди.

Қайд этиш керакки, кейинги йилларда ички ишлар органларида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг маънавий ҳамда жисмоний ривожланишига кўмаклашишга йўналтирилган тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, Президент ҳамда Ҳукумат қарорлари билан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозимлари жорий этилди.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси яхши. Аммо ҳаётда сўз юритилаётган масала билан боғлиқ муаммолар ҳамон учраб турибди. Таҳлилларга кўра, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларида зарур ваколатлар йўқлиги вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тезкор чоралар кўрилишига тўсқинлик қилмоқда.

Қолаверса, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг ҳимоя ордери талаблари бажарилишининг назорати юзасидан масъулиятини кучайтириш зарурати ҳам пайдо бўлганди.

Шулар асосида юқорида номи келтирилган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганликда, жамоат жойларида тамаки ёки алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганликда, шунингдек, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганликда айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларига тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир қилишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ваколатлари берилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ишонамизки, ушбу қонун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

Фармацевтика:

# ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан фармацевтика тармоғини ривожлантиришга оид вазифалар ижроси, маҳаллий дори воситалари, тиббий буюм ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.*

## Ўрганиш

Ишчи гуруҳ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" давлат муассасаси, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, шунингдек, дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиб, фармацевтика ва дори воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси билан танишди.

Қайд этилишича, бугунги кунда юртимизда фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи 204 та корхона мавжуд. Шунингдек, доривор ўсимлик ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарувчи 276 та корхона ишлаб турибди. Умумий олганда, 56 та корхонада "Зарур ишлаб чиқариш амалиёти" (GMP) талаблари жорий қилинган.

Мавжуд фармацевтика корхоналарида 3922 турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, 3290 турдаги дори воситалари, 468 хил тиббий буюмлар, 84 турдаги тиббий техникалар ҳамда 80 турдаги субстанциялар ишлаб чиқарилмоқда.

Айни чоғда дори воситалари референт нархлари жамоатчилик учун очиқлигини кенгайтириш мақсадида 2023 йил 1 апрелдан бошлаб дори воситалари чекланган чакана нархларини онлайн кузатиб бориш имконини берувчи "uzpharminfo" номли мобиль илова ишга туширилган.

Ўрганиш давомида Президентнинг 2022 йил 21 январдаги Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган айрим вазифалар ижроси якунига етказилмагани аниқланди. Масалан, постмаркетинг назорати амалиётга жорий этилмаган, яъни "Дори воситаларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш қоидалари" ишлаб чиқилмаган. Қолаверса, дори воситаларининг ножўя таъсирлари бўйича олинган маълумотлар мунтазам киритиб бориладиган "Фармакологик назорат" миллий электрон ахборот базаси яратилмаган.

Ўз навбатида, ўрганишлар давомида фармацевтика эркин иқтисодий зоналарининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини янада оширишга доир аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Айтиш жоизки, ўрганишлар якуни бўйича Сенат қўмитаси томонидан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги раҳбари ахборотини эшитиш режалаштирилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ИССИҚХОНАДА БАНАН ЕТИШТИРИЛМОҚДА

*Кўпчилик севиб истеъмол қиладиган банан ноодатий таъмга эга бўлиб, таркиби калий, С ва В6 каби витаминларга бой. Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида ўсадиган ушбу цитрус мева бугунги кунда юртимизда ҳам етиштириляпти.*

## Томорқачилик



Булунғур туманининг Сариқипчоқ маҳалласида яшовчи Эркин Холмаматов шахсий томорқасининг 8 сотих майдонида иссиқхона ташкил этиб, унинг 4 сотихида лимон ва қолган майдонида пакана бўйли (карлик), серҳосил навли банан экиб, бугун ундан юқори даромад оляпти.

— Дастлаб иссиқхонамизда ўн туп банан кўчати экқан бўлсак, айни кунда уларнинг сони эллик тупга етди, — дейди Эркин Холмаматов. — Биринчи теримдан 400 килограмм ҳосил олиб, ҳозиргача 15 миллион сўмга сотдик. Келгусида 50 туп банан ҳосилга кирадиган бўлса, ўртача ҳисобда йилига 70 миллион сўмга яқин даромад қилиш имконияти пайдо бўлади.

Банан иссиқсевар мева, совуққа чидамсиз. Шу боис уни етиштиришда ҳарорат 10 даражадан тушиб кетиши мумкин эмас. Сувни жуда яхши кўради. Меваси гуллаганидан кейин, тахминан 3 ойда пишиб етилади.

Аҳамиятлиси, банан етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиляпти. Иситиш тизими кўмирга мослаштирилган. Омилкор оила эгалари ўз томорқасидаги иссиқхонада лимон ҳам етиштираётир. Лимоннинг ўзидан бир тоннага яқин ҳосил олиб, йилига 30 миллион сўмга яқин даромад топмоқда.

Яна бир янгилик. Туманнинг Сайилтепа маҳалласида яшовчи Келдибек Раббимқуловнинг шахсий томорқасида Озарбайжон тажрибаси асосида ўрмон ёнғоғи (фундук) дарахтлари парваришланяпти. Бу ҳам юртдошларимизнинг турли-туман ноз-неъмат етиштириш борасидаги тажрибаси ошиб бораётганидан далолатдир.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Тақдимот

# Адабиётсеварлар учун икки гўзал туҳфа

*Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг қадимий Миср ҳаёти ва миллатимиз тарихидан сўзловчи "Клеопатра" романи ҳамда шоир ва таржимон Турсун Алининг "Соҳибжамол дарахт" шеърий китоби тақдимотлари бўлиб ўтди.*

Тадбирларда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёзувчининг мухлислари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

— Устоз Муҳаммад Алининг "Клеопатра" тарихий романи нафақат юксак бадиияти, балки халқимизнинг тарихий илдизларидан сўзлаши билан адабиётсеварлар кўнглидан муқим ўрин эгаллашига ишонаман, — деди адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков. — Адабиётимизда ўзига хос янгилик бўлган сюжет чизиғига эга бу асар буюк миллий қаҳрамонимиз Спитамен, аниқроғи, унинг жанговар қизи Апама авлодига бориб тақаладиган Мисрнинг сўнгги маликаси ҳаётига бағишланган.

Клеопатра Спитамен қизи Апаманинг ўнинчи авлоди эканини кўпчилик билмаслиги мумкин. Асарда кўплаб тарихий шахслар номлари келтирилган, буюк саркарда Искандар, Рим императорлари Юлий Цезарь, Октавиан Август кабилар шулар жумласидан.

Мазкур роман 2022 йили "Йилнинг энг яхши асари" республика танловида "Энг яхши насрий асар" йўналишида ғолиб топилган.

"Соҳибжамол дарахт" китобидан шоир Турсун Алининг сўнгги йилларда ёзган шеърлари, бағишловлари ҳамда таржималари ўрин олган. Ушбу тўпламни мутолаа қилар экансиз, "ғаройиб кечанинг оғуши"да "тонг нафаси"ни ҳис этасиз, "қароғида ажиб аланга" жилоланган қушча рамзини англайсиз, "сабр отида саҳро кезган ошиқ" ҳолидан огоҳ қалб манзараси, кечинмалари, асроридан воқиф бўласиз.

"Янги аср нашриёти" томонидан чоп этилган ушбу китоб шеърият муҳибларига муносиб туҳфа бўлади, десак, адашмаймиз.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Туризм

# Ахсикент йирик сайёҳлик марказига айланади

*Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида жойлашган Ахсикент ёдгорлиги уч минг йиллик тарихга эга. Ўз даврида гуллаб-яшнаган кўҳна шаҳар кучли зилзила туфайли таназзулга юз тутганидан сўнг унинг бутун сир-асрорлари тупроқ остида қолган.*

Кейинги пайтларда қадимий шаҳристонга яширинган маънавий хазина кўзини очиш ва халқимизга етказиш борасидаги ишлар жадаллашди. Айни пайтда ёдгорлик мажмуасини замонавий сайёҳлик инфратузилмаси яратилган марказга айлантириш борасида кенг кўламли бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

— Ёдгорлик объектида очиқ осмон остидаги тўртта музей ўзига хос услубда қуриляпти, — дейди мажмуа бош меъмори Гурай Каймак. — Уларнинг устини ёғоч конструкция асосида юқори чидамли материал билан ёпамиз. Айни пайтда ишлар режа асосида давом этмоқда. Енгил конструкцияли экспонатлар музейи ва ёдгорликни юқори қисми билан уловчи тарихийликни ўзида акс этувчи сўқмоқ йўл лойиҳасини ҳам ишлаб чиқмоқдамиз.

Жорий йилда Ахсикентда тарихий манбаларни сақлашга мўлжалланган топилмалар музейидан ташқари амфитеатр, Сирдарё соҳилида экотуризм тизимини барпо этиш кўзда тутилган. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан меҳмонхоналар тармоғи ҳам қурилади.

Маълумотларга қараганда, Ахсикентга ўтган йили йигирма мингдан ортиқ маҳаллий, мингдан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Бу ерда яқин вақт ичида ишга тушириладиган объектлар ҳисобига уларнинг салмоғи кескин ортиши кутилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори **Алижон БОЙМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва ахборот-кутубхона маркази жамоасига чуқур таъзия изҳор этади.

Ит ҳурар, карвон ўтар

# ИМПЕРИЯПАРАСТЛАРНИНГ ПУЧ ХОМХАЁЛЛАРИ

*Шу йил 22 январда Россиянинг НТВ телеканалида "Учрашув жойи" дастурида тарихчи, империячи ва ашаддий монархиячи Михаил Смолин билан Россия Федерацияси Давлат думаси минтақавий сиёсат қўмитаси раиси ўринбосари, коммунист Михаил Матвеев ўртасида баҳслар бўлди. Ўзаро баҳслар пайтида Михаил Смолин "Владимир Ленининг тартибсиз равишда миллий республикаларни тузганлиги, унинг натижасида "унитар Россия империяси" инқирозга юз тутгани, постсовет ҳудуди муаммолар остида қолгани" ҳақида сўзлади. Унинг фикрича, "ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, инқилобдан кейин Лениннинг паноҳида волюнтаристик тарзда хариталарни ўзгартиришлар бошланди, РСФСР парчаланди, ундан миллатлар ясалди".*

Албатта, бу ҳолат катта телеканал эфирида рўй бергани, унда билдирилган фикрлар ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжон халқларига нисбатан ҳақоратдан бошқа нарса эмас. Михаил Смолин Россияда империячи ва монархиячи тарихчилиги билан танилди. Унинг дунёқараши миллатчилик ва консерватизм мафкураси билан заҳарланган бўлиб, бутун умри коммунистлар ва либералларга қарши ғоявий курашлар билан ўтди. Унинг ким, қандай мафкура соҳиби эканлигини қуйидаги фикридан билса бўлади: "Православ черкови, империяча давлат, рус миллати, мустаҳкам кўп фарзандли оила — бу азалий асослар ҳозирга қадар давлат сиёсатида ўзини сезиларли намоён этмаяпти, аммо ижтимоий онг учун аниқ ғоявий мазмун билан тўлдирилиши лозим. Бизнинг олдимизда келажакда рус империяси давлатчилигини қайта тиклашнинг ғоявий асосларини яратиш вазифаси турибди".

Смолиннинг ашаддий миллатчи-шовинист эканлигини истилочи ва босқинчи Михаил Скобелев тўғрисидаги фикридан ҳам билса бўлади: "1868 йилда Скобелев Туркистонга сафарбар қилинганидан кейин рус армияси инглизлар кўз ташлаб турган Ўрта Осиёни забт этди... 1873 йилда ёш Скобелев Хивага юришларда битта жангда етти марта жароҳат олса ҳам жангдан чиқмасдан кўзга ташланди. 1875-1876 йиллардаги Қўқонга юришларда оз сонли рус отряди билан кўпмингли лашкар устидан ғалаба қозонди. Генерал-майор унвонини олишга эришиб, Фарғона шаҳрига (1924 йилгача шаҳар Скобелев номида эди) асос солди, Фарғона вилоятини бошқарди".

Михаил Смолиннинг тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўла туриб "ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган", қабилидаги туҳмати ҳар қандай одамни таажжубга солади. Таниқли олим Шамсиддин Камолиддиннинг ёзишича "XVI — XIX асрларда Ўзбекистоннинг барча аҳолиси унинг келиб чиқишидан қатъи назар, "ўзбек" деб аталган. Ваҳоланки, ўша даврда Ўзбекистонда турли хил халқлар ва қабилалар, шу жумладан, уйғур, қозоқ, қирғиз, қипчоқ, туркман ва қорақалпоқлар яшаган. Уларнинг ҳаммаси ўзларини ўзбек деб ҳисоблаганлар. Дашти Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёни босиб олган бўлсалар ҳам, маҳаллий ўтроқ турклар билан яқин қариндош эдилар. Шунинг учун улар тезда бирлашиб, қоришиб кетдилар. Ўзбеклар ҳеч қачон ўзларининг номини бошқаларга беришга ҳаракат қилмаганлар. Аксинча, бошқа халқлар ўзларини "ўзбек" деб кўрсатишга интилганлар, чунки ўша даврда "ўзбек" бўлиш шарафли ҳисобланар эди. XIX аср ўрталарида Марказий Осиё бўйлаб саёҳат қилган венгер олими А. Вамбери шундай деб ёзган эди: "Қўқон аҳолиси ўзбек, тадшик, кайсак, қирғиз, қипчоқлардир". Таниқли хитойшунос олим Абдулахат Хўжаев Хитой ва бошқа манбаларга таянган ҳолда ўзбек халқининг шаклланиш даври икки минг йил давом этганини далиллаб берган.

Таниқли рус олимлари В. Григорьев, А. Семёнов, В. Юдин ўзбек халқи шаклланишини XIV асрдан бошлайди. Академик В. Бартольд ўзбекларни Олтин Ўрда ҳукмронлиги даврида катта сиёсий таъсирга эга халқ сифатида таърифлайди. Бу далиллар XIV — XVI асрларда форс ва араб тилларида ижод этган тарихнавислар томонидан ҳам исботланган. Яна В. Бартольд "ўзбек" ва "ўзбек улуси" сўзлари бу халқни Ўрта Осиёдаги бошқа қавм ва қабилалардан ажратиб туришини, шу билан бирга, улар Чиғатойнинг ҳарбий бўлинмаси тушунчасини англатишини алоҳида қайд этади.

Ўзбек, қозоқ, озарбайжон халқлари қадимги даврда шаклланмаган бўлса, октябрь тўнтаришидан кейин бирданига осмондан тушиб қолдими? Бу иддаода мантиқ йўқ. Аксинча, октябрь тўнтаришидан олдин РСФСР деган давлат йўқ эди. Чунки у Россия империясининг таназзули ўлароқ пайдо бўлди.

Агар 2012 йилда рус давлатчилигининг пайдо бўлганлигига 1150 йил тўлган бўлса, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан олдинги VII — VIII асрларда Хоразм, Сўғдиёна ва Бақтрия давлатлари мавжуд бўлган. Самарқанд шаҳри 2700, Бухоро шаҳри 2500, Хива шаҳри 1200 йиллик тарихга эгадир.

Рус шовинистларининг ахборот хуружлари энди бошлангани йўқ. 2023 йил 20 октябрда ОАВда Россия Давлат думаси депутати Михаил Делягин мигрантларни Россия давлати учун катта хавф туғдирувчи куч сифатида ифодалаб, Ўзбекистон ўз фуқароларини Россиядан олиб кетишини таклиф қилган эди. 2023 йил 16 ноябрда ОАВда Россия Давлат думаси депутати Петр Толстой ўзбек, тожик ва бошқа миллатларга мансуб мигрантларга шама қилиб, "рус тили давлат тили бўлмаган мамлакатлар фуқаролари бизнинг ижтимоий соҳаларда ҳайдовчи, сотувчи, курьер каби касбларда ишламаслиги керак", деб ўзининг миллатчилик ва дискриминациявий қарашларини намоён қилган эди. Шу йил декабрь ойида "Справедливая Россия — За правду" партияси ҳамраиси, шовинист-ёзувчи Захар Прилепин Ўзбекистонни Россияга қўшиб олиш таклифини билдирган эди.

Империячи-монархист Михаил Смолиннинг учта йирик миллатга нисбатан туҳмати ҳаммасидан ошиб тушди. Шу билан бирга, у ўзининг сиёсий кўрлиги, миллатлар тарихига ҳурматсизлиги, юзсизлиги билан ўзбек, қозоқ ва озарбайжон халқларининг нафратига учради. Собиқ Россия империясининг босқинчилик, мустабидлик ва тоталитар сиёсати даврини қўмсашининг ўзиёқ унинг башарасини очиб берди.

Яна бир олий ҳақиқат борки, у ҳам бўлса сўнгги етти йил ичида янги Ўзбекистоннинг қад кўтара бошлаши, юртимиз қисқа давр ичида таниб бўлмас даражада ободонлашиб кетиши, мамлакатнинг дунёга очилиши, иқтисодий салоҳиятимизнинг ошиши, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос ривожланиш йўлига ўтганимиз, кўп векторли ташқи сиёсатнинг юксак натижалари, ривожланган давлатлар лидерларининг мамлакатимизга нисбатан қизиқишларининг ортиши — буларнинг ҳаммаси миллатчи, империячи, милитарист, экстремистик унсурларнинг ғашига тега бошлади, феъл-атворида ғайирликлар жунбушга кела бошлади.

Албатта, бу тоифа унсурлар ўзларининг империя ва собиқ совет иттифоқи давридаги "юксак сиёсий мавқеларини" қўмсай бошлади, илгарилари мустабидлик остида яшаган халқларнинг муваффақиятлари, дунё эътирофига сазовор бўлиши, "катта акаларсиз" ривожланган давлатлар қаторига ўта бошлаши уларнинг нафсониятини қўзғай бошлади. Улар ўз қилмишлари ва ғаламисликлари билан жадал ривожланиб келаётган Ўзбекистон — Россия муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлиги жараёнларига рахна солмоқда. Дўстлик ришталари узилиши, ишончсизлик кайфияти кучайиши мумкинлигига "хизмат" қилмоқда.

Михаил Смолиннинг гапларига изоҳ берган Россия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили, бу тарихчининг шахсий фикри эканини айтди. "Россия ва Марказий Осиё республикаларини умумий тарих, яқин инсоний, гуманитар ришталар, савдо-иқтисодий ва бизнес алоқалари бирлаштиради, — деди у жумладан. — Қайд этилган ёқимсиз баёнотлар соф субъектив хусусиятга эга, ҳозиргина айтиб ўтилган воқелик билан ҳеч қандай умумийлик йўқ ва бутунлай муаллифнинг виждонига ҳавола".

Чиндан ҳам шундай бўлса, яхши, албатта. Чунки ўтган йилнинг октябридан бошлаб Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳамда халқларига нисбатан турли иғволар ва ғийбатлар бошлангани, уларнинг муаллифлари, асосан, таниқли шахслардан иборат эканлиги кишини ўйлантиради. Қолаверса, буларнинг ҳаммаси йирик телеканаллар эфирлари орқали тарқатилмоқда. Гўёки, уларнинг орқасида қандайдир сиёсий гуруҳлар тургандек. Ҳар ҳолда миллатимизга нисбатан ҳар қандай таҳдидга ўз вақтида жавоб берилмаса, кеч бўлади, таҳдидлар ўзаро алоқаларнинг совишига сабаб бўлади.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 650 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.22 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6